

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Афғонистон Ислom Республикаси ташқи ишлар вазирини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов ташриф билан Ўзбекистонда бўлиб турган Афғонистон Ислom Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ханиф Атмар билан учрашув ўтказди.




Чет эл делегацияси таркибида, шунингдек, Афғонистон Ислom Республикаси Президенти Маъмурияти, Транспорт вазирлиги, Саноат ва савдо вазирлиги ва Марказий банк раҳбарлари қатнашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт ва логистика ҳамкорлигининг долзарб масалалари, шунингдек, Афғонистонда энергетика, темир йўллар қурилиши, савдо ва инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

“Сурхон – Пули Хумри” электр узатиш линияси қурилишини жадаллаштириш ва тегишли битим лойиҳаси устида ишлаш, шунингдек, Халқаро автотранспорт бўйича битим лойиҳасини имзолашга тайёрлаш доирасида эксперт музокараларини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Темир йўл транспорти соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали транспорт йўлакларини ривожлантиришда ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди.



Савдо айланмасини ошириш, жумладан, трансчегаравий савдони кенгайтириш ва иккала мамлакат бозорларига харидоргир қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини етказиб беришни ташкил этиш мақсадида тегишли инфратузилмани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида келишувга эришилди.

Учрашув давомида икки томонлама келишувларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган барча масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида мунтазам алоқалар механизмини жорий этишга ҳам келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамлашуви Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Учрашув якунида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти билан Афғонистоннинг “Da Afghanistan Breshna Sherkat” компанияси (DABS) ўртасида 10 йил муддатга электр энергиясини етказиб бериш тўғрисида битим имзоланди.

Манба